

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 27 июль, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 143 (10.952)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда Қорақалпоғистон Республикасининг жорий йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Тошкентдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Босма ва Интернет нашрларида медиа-бизнес асосларини шакллантириш масалалари» мавзусида семинар ўтказилди.

• Самарқанднинг Регистон майдонидаги «Чорсу» картиналар галереясида Самарқанд шахрининг 2750 йиллиги муносабати билан «Қудратимиз — бирликда ва ҳамжихатликда» ҳамда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида бадиий ва фотоасарлар кўргазмалари очилди. Унда вилоятдаги барча миллий маданий марказлар ўз ижод намуналари билан иштирок этмоқда.

• Қашқадарё вилоят Адлия бoshқармаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали томонидан ташкил этилган ўқув семинарида қучли давлатдан қучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида сиёсий партиялар қуйи бўғинларининг иштироки, уларнинг фаоллигини ошириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида қизгин мунозаралар бўлди.

• Ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, улар қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини синдириш мақсадида «Қамолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган «Истиқлол қарвони» марафони иштирокчилари Қорақалпоғистонга келишди.

• «Жамбасувиқурилиш» ассоциациясига қарашли қурилиш-монтаж бошқармаси Хўжайли шаҳрида Транспорт коллежининг қурилишини якунламоқда. Уч қаватли ўқув корпуси, спорт зали, ошхонага эга замонавий зиё масканида янги ўқув йилидан 540 нафар ўғил-қизлар таълим олишга киришадилар.

• Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги «Ниёзов» масъулияти чекланган жамиятида ошқозон-ичак касалликлари, юрак ва жигар хасталикларини даволашда самарали бўлган «Мингчинор» маъданли сувини чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага ўрнатилган замонавий технологиялар бир соатда мингга яқин идишда булоқ сувини қадоқлашга имкон яратди.

• Нукус шаҳрида йўловчиларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖда ишлаб чиқарилган «Исузу» русумли 40 та янги микроавтобуслар харид қилинди. Бу борада Нукус шаҳридаги «Саодат», «ЛТД Умр», «Орол тўлкини», «Европид», «Евротранс-Баҳромбек» фирмалари, шунингдек, Халқобод шаҳридаги «Мир-Одил» корхонаси катта ёрдам берди. Янги автобуслар 9 та йўналиш бўйича қатнамоқда.

ЖАҲОНДА

• Кеча Куба ўзининг бош байрамларидан бири — миллий кўзғолон кунини кенг нишонлади. Қизиги шундаки, ушбу миллий байрам мамлакат пойтахти Гаванадан 600 километр узоқликда жойлашган Камагуэя шаҳрида юз минг киши иштирокчида ўтказилди. Ўтган 48 йилдан буён илк бор ушбу байрам билан халқни Раул Кастро қутлади.

• Франциянинг жанубий-ғарбий ҳудудида жойлашган Родез шаҳрида махсус хизмат вакиллари томонидан амалга оширилган операция чоғида Испаниянинг ЭТА айирмачи гуруҳи етакчиларидан уч нафари қўлга олинди.

• Исроилнинг кўплаб давлат муассасаларида оммавий иш ташлаш уюштирилмоқда. Иш ташлашларнинг бошида турган Исроил Гистратуд қасаба уюшмаси ҳукуматдан ойлик маошларини ўн фоизгача оширилишини талаб қилмоқда.

• Ироқ футбол ишқибозлари мамлакат терма жамоасининг Осиё чемпионатининг ярим финалида эришган галабасини марказий кўчаларда хуш кайфиятда нишонлаётган бир вақтда қучли портлашлар уюштирилди. Маълумотларга қараганда, шаҳарнинг Зайтун ва Мансур туманларида қолдирилган минаяштилган юк автомобилнинг портлатилиши оқибатида 60 га яқин футбол мухлиси ҳаётдан кўз юмган.

• Россиянинг Майкоп шаҳрида троллейбус ва автобус хусусиятларини ўзида жамлаган янги транспорт воситаси — электробус сновдан ўтказила бошланди. Ҳам бензинда, ҳам электр токида ҳаракатланадиган ушбу транспорт воситаси соатига 80 километр тезликда юриши мумкин.

• Жаҳондаги энг катта йўловчи самолёти — А-380 аэробусларида биринчи бўлиб парвозларни амалга оширадиган Singapore Airlines авиакомпанияси ҳаво кемасининг дастлабки парвозига мўлжалланган барча чипталар ким ошиди савдосида сотилишини билдирди. Савдодан тушган маблағларнинг бир қисми хайрия мақсадларида сарфланади. А-380нинг Сингапурдан Сиднейга дастлабки тижорат парвози 2007 йилнинг октябрида амалга оширилади.

• Кеча машҳур «Тур де Франс» велопойгасида иштирок этаётган «Рабобанк» жамоасининг етакчиси ва пойгада биринчи ўринда бораётган сариқ майка соҳиб даниялик Микаэл Расмуссен мусобақалардан олдин иккита допинг назоратидан ўтмаган ҳолда ёлгон гапиргани учун пойғалардан четлатилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими «Абулқосим» мадрасаси биносига жойлашган бўлиб, бу ерда халқ амалий санъатининг турли соҳалари бўйича «Устоз-шогирд» йўналишидаги мактаб ташкил қилинган. Ҳозирги кунда бу масканда юзга яқин уста кўплаб шогирдларга устозлик қилиб келмоқда.

СУРАТЛАРДА: устоз ва шогирдлар фаолиятдан лавҳалар

Козим Улмасов олган суратлар

Кечас суратларда

• **ЎТГАН** кун Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласида «Қамолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Қамолот» кунини деб номланди.

• **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Юнусобод» маҳалла гузарига «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими хамкорликларида «Маҳалла кунини» ҳамда яқинлашиб келаётган юртимиз Муस्ताқиллигининг 16 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда туман фаоллари, маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок эттиди.

• **БУГУН** Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Фидоқорлар Миллий демократик партияси Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳомийлигида ўтказилган тадбирда меҳрга ташна болажонларга эсдалик соғвалари тўхфа этилди.

• **БУГУН** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Алоқачи» соғломлаштириш оромгоҳида болажонлар ўртасида ўтказилган «Ким эпчилу, ким чаққон?» мавзусидаги беллашув Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Тенгдош» маданият уйи хамкорликларида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

«ТОШКЕНТ: ТАРИХИЙ ДАХЛДОРЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ»

ФРАНЦИЯДАГИ ШАРҚ ТИЛЛАРИ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ БЎЙИЧА ПРОФЕССОРИ, МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЕВРОПА ЖАМИЯТИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ КАТРИН ПУЖОЛ ИЗЛАНИШЛАРИ АНА ШУ МАВЗУНИ ҚАМРАБ ОЛГАН.

Ўйлаймизки, шу йил август ойи ўрталарида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишлаб ўтказилажак «Ўзбекистоннинг Ислам цивилизацияси равнақи» кўшган хиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда французиялик олимлар илмий изланишларининг натижалари уларнинг ўзбекистонлик

ЎЗАРО ИШОНЧЛИ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 26 ИЮЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ КАРИМ МАСИМОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қўллаб, Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик кенгайтганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар азалий дўстлик, қардошлик ришталари асосига қурилган. Халқларимиз қадимдан ёнма-ён яшаб, бир-бирининг қувончу қайғусига шерик бўлиб келган.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликка оид масалаларга, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим ўрин тутди. Икки давлат Президентларининг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги сиёсий соҳада ўзаро ишонч ва хурматни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий соҳада эса икки томонлама манфаатдорлик руҳини қарор топтиришнинг бош омилли бўлиб хизмат қилмоқда.

2006 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Қозоғистон саммитида Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев мамлакатларимиз ўртасида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор қилган эдилар. Шу тариқа Президентларнинг келишувларини ҳаётга жорий этиш, имзоланган ҳужжатлар ижросининг мониторингини олиб бориш, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалаларни тезкорликда ҳал қилишнинг ноёб механизми яратилди.

Кенгашнинг биринчи мажлиси Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг 2006 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган норасмий учрашуви чоғида ўтказилди. Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев сўздан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилдилар. Чегарага туташ ҳудудларда савдо шохбачалари очилш, улар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини тақомиллаштириш ва шу орқали ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида элчихоналарга ҳарбий маслаҳатчи (атташе) тайинлашга, ҳарбий кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Карим Масимовнинг Ўзбекистонга ташрифи асосида Тошкентда Қозоғистон Тараққиёт банкининг

ваколатхонаси очилгани ҳам Президентлар келишувининг натижасидир. Шунингдек, пойтахтимизда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда илгари эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши кўриб чиқилиб, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини турли соҳалардаги ҳамкорлик масалаларига оид юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳар йили 20-35 фоиз ўсмоқда. 2006 йилда мазкур кўрсаткич 718,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2005 йилдагидан қарийб 40 фоиз кўпдир. 2007 йилнинг январь-июнь ойларига доир кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 93,2 фоиз ошиб, 583,4 миллион АҚШ долларига етди. Умуман, мутахассислар бу кўрсаткични бир миллиардга етказиш имконияти мавжудлигини таъкидлашади, ҳозирги ўсиш суръати эса бу микдор ҳам чегара эмаслигидан далolat бермоқда.

Ўзбекистонда бир юз йилгирмадан зиёд, Қозоғистонда эса юздан ортқ ўзаро шериклик асосида ташкил этилган қўшма корхона фаолият юртимокда.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари сирасига қиради. Хусусан, олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Масалан, 2006 йилда Хоразм Маъмур академияси билан Қозоғистон Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Қозоғистонда ташкил этилаётган халқаро форумларда мунтазам иштирок этиб келади.

Оқсаройдаги учрашувда К.Масимов Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлисида эришилган келишувлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(Ў.А)

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: ДАВЛАТЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 26 ИЮЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ РАҲБАРЛИГИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ДАВЛАТЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФ БУЮРГАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ КАРИМ МАСИМОВ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мажлисида икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, энергетика, нефть-газ, фан-таълим, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, маданият, транспорт коммуникациялари, санъатнинг кўплаб тармоқлари, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирилк ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари катнашди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги дўстлик, қардошлик ва қўшничилик аъёналари асосида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Уларнинг эллиқдан ортқи иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар орасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

2006 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 718,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2007 йилнинг январь-июнь ойларига эса мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 93,2 фоиз ошгани мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми жорий йилда бир миллиард АҚШ долларига етишидан далolat бермоқда.

қаратилган оқилона сиёсати самараларидандир.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007-2016 йилларда иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирилги ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди.

Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси катнашчилари Қозоғистон Тараққиёт банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этди.

Шу кун Қозоғистон Республикаси Бош вазири К.Масимов Темирйиллар тарихи давлат музейи экспозицияси билан танишди. Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Муस्ताқиллик майдонида таширф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ушбу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу иштишуларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Надира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
Ў.А мухбирлари

ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ:

ЮКСАК САМАРАЛАР

МУСТАҚИЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ ДАСТЛАБИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА ЖАМИЯТ ТУРМУШINI ЯНГИЛАШНИНГ АССОСИЙ БЎЙИНИ СИФАТИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СИЁСАТИНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШИ ВА БУ БОРАДАГИ ВАЗИФАЛАР МОҲИЯТ ЭЪТИБОРИ БИЛАН ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ОЧИК ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ БЎЛИБ ҚОЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ташкил этилган давра суҳбати иштирокчилари ана шу вазифаларни ҳал этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004—2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш соҳасидаги ишлари замирида муҳокама этилди. Таълим соҳасини ислоҳ қилишга Ўзбекистонда демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг мажбурий шартли сифатида қаралаётганлигини сенаторлар муҳокама асосида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Белгиланган олинган мақсадларга муваффақият тарафда эришиш учун мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асоси бўлиши «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Қарорлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ана шундан кейин ўтган йил мобайнида бу ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Барча фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари

амалиётга жорий этилди, замонавий дарсликлар чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги ишларни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Унда кўрсатилган муддат мобайнида мамлакатимизда 2888311 ўқувчи ўрнига эга бўлган 8476 та мактабнинг моддий-техника базасини тубдан янгилаш ва такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, давлатимиз бошлиғи ташаббуси билан қабул қилинган ана шу Дастур доирасида ҳозирги вақтда 4669 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 205 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, 1174 та мактаб тубдан реконструкция қилинди, 2074 та мактаб капитал таъмирланди, 1216 та умумтаълим муассасаларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Дастур доирасида таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилган барча таълим муассасалари замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар, ўқув-услубий материаллар ҳамда 350

дан ортиқ турдаги ўқув ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Ҳозирги вақтда мактабларнинг янги модификациядаги компьютерлар билан таъминланганлик даражаси 38,7 фоизни ташкил этмоқда, замонавий ўқув-компьютер синфхоналари билан таъминланганлик даражаси эса мамлакат бўйича 24 фоиз кўпайди. Таълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш ишлари ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, шунингдек, такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ишлаб маромига етказилган ўқув дастурлари жорий этилганлиги туфайли ўқувчиларнинг билимлари ўзлаштириш самарадорлиги, маҳорат ва кўникмалари анча ошди. Давлат тест маркази томонидан ўтказилган мониторинг натижалари ўқувчиларнинг билими сифати ўрта ҳисобда 23 фоизга ошганлигини кўрсатди.

Тадбир иштирокчилари сенаторлар ва депутатларнинг, маҳаллий органларнинг Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004—2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишга, мактабларни, айниқса, қишлоқ мактабларини техника билан жиҳозлашга, хусусан, ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари, компьютерлар ва спорт инвентарлари билан таъмин этишга кўмаклашишдаги роли ҳақида атрафлича сўз юритдилар.

Давра суҳбатида сенаторлар, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари, манфаъдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА)

«ТОШКЕНТ: ТАРИХИЙ ДАХЛДОРЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент билан бирга минтақанинг Бухоро ва Самарқанд сингари шаҳарлари ҳам маданий бешик — Амударё ва Сирдарё оралиғидаги муҳим минтақа билан Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Россия ўртасидаги чорраҳа ва мулоқотлар маскани вазифасини ўтаган.

Тошкент тарихий жараёнларнинг энг оғир давларида ҳам йўқолиб кетмаган бой ва турфа хил ислом аъёнларининг давом эттирувчиси ҳисобланади.

Ислом маданияти ривожиди Мовароуннаҳр маданиятининг ҳиссаси маълум давр ва жойларда (Бухоро, Тошкент, Урганч, Самарқанд, Марв) ёрқин давлат ҳамда дин арбоблари, олим ва мутафаккирлар йиғилгани билан изоҳланади. Хусусан, Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаган Имом ал-Бухорий, қомусчи-олим Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, дин арбоблари Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадоний, Муҳаммад Баҳауддин Нақшбанд ва бошқалар жаҳон меросига улкан ҳисса қўшганлар.

Буюк Ипак йўли ёрдами билан нафақат маҳсулотлар, балки жаҳон халқларининг ранг-баранг маданиятлари бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтилган, минтақа барча кўринишдаги янгиликлар билан ҳаммиша алоқада бўлган, ўз маданий илдиэларини йўқотмаган ҳолда уларни амалиётда ўзлаштириб борган.

Ислом минтақасига мусулмон эътиқодини олиб келиши билан бирга шаҳарсозлик, хунармандчилик санъати, иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг замонавийлашуви, фалсафий мероснинг интеграциялашуви ҳамда ўз ҳиссасини қўшди. Амир Темура унинг ворислари ҳукмдорлиги даври Темурийлар салтанати таркибига кирувчи минтақа ва мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий юксалиши имконини берди.

Тошкент ўзининг чуқур мусулмон илдиэлари эга бўлганлиги туфайли Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди. Шу маънода Ўзбекистон пойтахтига бу умумбашарий унвоннинг берилгани кўп асрлар давомида шаклланган «ислом маданиятининг лабораторияси» бўлмиш Тошкентнинг моддий ва маънавий мероси бутун инсоният ганжинаси эканлигини аниқлатади. Умумбашарий мерос тушунчаси ҳудудлараро ва умумжаҳон аҳамиятига эга бўлиб, у янада кўпроқ мазмун билан бойиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, тараққиёт ва ривожланиш учун интилаётган келажак авлодлар масъулиятини аниқлатади».

«Жаҳон» АА

БУНДАН 16 ЙИЛ АВВАЛ БУ ИЛМИЙ МУАССАСА ТАШКИЛ ТОПГАН ЭДИ. ЎЗБЕКИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 20 ИЮЛДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ЮЗАГА КЕЛГАН РЕСПУБЛИКА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ УЧУН ЎТГАН ДАВР САМАРАЛИ КЕЧДИ.

Табиатнинг энг нодир бойлиги ҳисобланган сувдан оқилона фойдаланишга доир долзарб вазифаларни ижобий ҳал этиш борасида кўп иш қилинди.

Ўзбекистон Фанлар академияси-

Фан

ИЗЛАНИШЛАР ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА

нинг сув муаммолари институти олимлари томонидан дарё сувларининг ифлосланиш даражаси, сув ва туз алмашинуви жараёнлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиш сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этишнинг технологиялари ишлаб чиқилди.

Сув ресурсларини акс эттирувчи гидрогеологик хаританинг тайёрланиши институт жамоасининг кейинги йилларда қўлга киритган

ютуқларидан бири бўлди. Ушбу мукаммал ишланма Ганновер шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада юқори баҳоланди. Тўғонлар хавфсизлигини текшириш бўйича халқаро лойиҳада институт етакчи муассаса сифатида белгиланди. Бугунги кунда олиб борилаётган илмий кузатувлар ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Акбар АЛИЕВ

ТИББИЙ КЎРИКДАН БАРЧА МАМНУН

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯТ ЖАМГАРМАСИНИНГ «АМБУЛАНС» ТИББИЙ-ИЖТимоий ПАТРОНАЖ КЎЧМА БРИГАДАСИ ШИФОКОРЛАРИ УЧТЕПА ТУМАНИ «ШОФАЙЗ БОГИ» МАҲАЛЛАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ 100 ГА ЯҚИН КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР, ЁЛГИЗ КЕКСАЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗДИ.

Врач-гинеколог, болалар шифокори, эндокринолог, невропатолог, жарроҳ, окулист, кардиолог каби шифокорлардан таркиб топган бригада УЗИ, ЭКГ диагностикаларини қўллаш натижасида аниқланган турли касалликларга ташхис қўйиб, кўрсатмалар беришди. Ушбу тиббий кўрик кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламни: ногиронлар, кўп болали аёллар, яққа-ёлғиз кексалар, болалар саломатликларини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, аҳолининг соғлом турмуш кечиришида кўмаклашиш мақсадида ўтказилди.

Бундай тиббий кўрикдан аҳоли жуда мамнун, айниқса, саломатликларини тиклашда дори-дармонларнинг бепул берилаётганидан миннатдорлар, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича маҳалла маслаҳатчиси М.Маҳмудова. — Шунингдек, жамгарма томонидан кўчма лаборатория, УЗИ, ЭКГ диагностикаларининг имконияти чегараланган аҳоли қатламлари уйига бориб қўлланиши ҳам таҳсинга сазовордир.

Шифокорлар ётиб қолган ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларни тиббий кўрикдан ўтказиб, тегишли дори-дармонлар топширишди. Жамгарманинг таянч маскани ходимлари «Гижжа касалликларидан қандай сақланиш мумкин?», «Камқонликнинг олдини олас бўлади» мавзуларида аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказишди. Тиббий кўрик жараёнида аниқланган касалликлар бўйича: камқонликнинг олдини олувчи «Ферроград С», болаларга иситма туширувчи, турли оғриқларни қолдирувчи «Ацетомонофен гел-капсула», ревматизм-бўғим оғриқларини қолдирувчи «Деклофенак» препаратлари, шифокорлар кўрсатмаларига асосан бепул топширилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

БОРИГА ҚАНОАТ ҚИЛ

Бир-икки кун кузатдим. Набирамиз Хусниддин галати одат чикард. Ҳар ғал эрталлабки чой устида тандирда ёпилган иссиқ нон сурайд. Дўқондан келтирилган буханкали нонни хуш кўриб емайди. «Нега бунақа қиласан?» десам, иштаҳаси йўқлигини баҳона қилади. Унга у-бу деб кўрдим, бўлмади. Ноннинг барчаси бирдек табарруқ эканлигини уқидирдим, рўйхуш бермади. Ёш бола, қаттиқроқ гапирсам кўнгли озор топади.

Бир кунни уни ёнимга чакирдим. Табиийки суҳбатимиз мавзуи нон, бу неъматни эъзозлаш ҳақида борди. Унга ёшлигимда ўз бошимдан ўтган бир воқеани гапириб бердим.

Оғир уруш йиллари эди ўшанда. Нон таъқиқ. Қорнимиз тўямасди. Ҳар бир оилага жон бошига қараб карточка билан маълум миқдорда нон бериларди. Оиламиз катта бўлгани учун онамиз тақсимлаб берган нонни худди биров қўлимиздан олиб қўядиган

— Ол, шу сенинг насибанг, еб олақол.

— Йўқ, у меники эмас, сизнинг насибангиз, — дедим мен отамнинг гапини эслаб.

— Ҳар кунни тутадиган ноним сенинг насибанг эди болам. Худо одамларнинг насибасини мана шунақа ҳар жойга сочиб қўяди. Фақат рози бўлиб берилса бас. Мен мингдан мингга розиман.

Маҳкам аканинг дилдан айтган гапидан кўнглим бўшашиб кетди. Лекин ҳар қанча уринмасин нонни олмадим. Маҳкам ака уни тоқнамизга қўйиб, индамай чиқиб кетди. Ана ўшандан бери нон мен учун энг азиз неъмат. У хоҳ оқ, хоҳ қора, қаттиқ-қуруқ бўлсин, хор қилмай ушогини ҳам кўзимга суртаман. Мен учун нон бўлса бас. Уни танлаб ўтирмайман.

Шу сўзларимдан кейин набирам лом-мим демай ўрнидан туриб кетди. Кейин эшитсам у момосига: «Бувамга айтинг, мен нонкўрлик қилган эканман, энди бу одатни тақрорламайман» дебди.

Ҳозир бир ойдан бери кузатаман. У нон

қайнота йиғлаб-сиқтаб дуо қилишиб, ундан кечирим сўрашди. Иккинчи бу ҳақда унга оғиз очилмади.

Келин ҳақиқатдан садоқатли чикди. Эрининг ота-онаси хурматини жойига қўйди. Қариялар оламдан ўтишганда ҳам ўғил, ҳам қиз бўлиб уларнинг барча маросимларини ўтказди.

Халол меҳнат Дилбар опани эъзозлади. У ўзи ишлаётган фабрикада бригадирлик қилди, иш боши бўлди. Қорхона касабга уошмасига раҳбарлик қилди. Ўғли Ёдгор институтни тугатган, уни катта тўю томоша билан уйлантирди. Ўша кезлардаги опанинг қувончини айтмайсизми?

Бирок, бу қувонч узоққа чўзилмади. Ўғли Ёдгор машина ҳалокатига учраб бевақт оламдан кўз юмди. Она ёлғиз икки набираси ва келини Севара билан қолди.

«Ўхшатмагунча учратмас» деганлари рост экан. Севара ҳам Дилбар опанинг йўлини тутди. Бошқа турмуш қўрмади. Бу қайнона-келинининг муҳаббати ва оилага садоқати ма-

ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

танламайди, бориға шукр қилиб, еб-ичиб кетаверади. Илоҳим охиригача шундоқ бўлсин.

ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕС

Тахририятимизга турли мавзуларда хатлар келади. Улар орасида оила, севги-вафодан тортиб, кўйди-чикдиларгача бор. Яқинда шундай мактублардан бири билан танишиб қолдим. Унда ёшгина бир аёл оиласидан ажралгани ва суд никоҳни бекор қилиш хусусидаги масалани амалга оширатгани ҳақида баён қилинарди. Хатда ёзилишича, йиғит ва қиз бора қатори севиб-севилиб турмуш қуришган. Лекин у ойга бормай, ҳали келинлик либоси ечилмай туриб, аёл орзу-ҳавас билан келган хондонни тарк этмоқчи. Нега? Сабаби эса арзимас. Қайнона-келин ўртасида бўлиб ўтган можаро.

Мактубни ўқий туриб ўзим шохид бўлган бир воқеа хаёлимда жонланди.

Дилбар ҳола ён қўшимиз. Маҳалладошлар ҳоланинг номини ҳурмат билан тилга олишарди. Чунки у ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрганлардан. Унинг эри Эргашов ака вафот этганида Дилбар опа ҳали беш ойлик келин экан. Эридан қолган ёлғиз ўғли Ёдгор туғилганида эндигина 20 баҳорни кўрган экан. Ўғли икки ёшга тўлганида Дилбар опа фабрикага ишга қиради. Тиниб-тинчимас аёл тез орада илғорлар сафидан ўрин олади. Эридан йиллар ўтган, қайнота ва қайнона келинлари Дилбарга турмушга чиқшини маслаҳат беришарди. Шунда Дилбар уларга қараб шундай дебди:

— Отажон, онажон, наҳотки уйингизга сиймай қолган бўлсам, наҳотки кўзингизнинг оқу қораси, яккаю ягона ўғлингиздан қолган Ёдгоржон набиранинг тақдирини бегона эркак қўлига топширмоқчи бўлсангиз? Йўқ. Ҳаёт эканман ўғлингизнинг менга бўлган муҳаббатини асло унутмайман.

Келинининг бу сўзини эшитган қайнона ва

ҳалладошлар тилига тушди. Одамлар улардан ибрат оладиган, бу оилага ҳавас билан қарайдиган бўлишди.


Бу ҳаётий лавҳа билан хат муаллифига ва унинг турмуш йўлдошига насихат қилмоқчи эмасмиз. Улар бунга муҳтож ҳам эмас. Чунки оқ-қорани таниган, ўқимшли кишиларга ақл ўргатишининг зарурати йўқ. Лекин ҳаёт йўли узун, унда баъзан янглишмовчиликлар ҳам бўлиб туришини эслашиб қўймоқчимиз ҳолос. Бу ўринда етти ўлчаб, бир кесмоқ кераки, сўнги пушаймонга ўрин қолмасин.

ЁШЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

Ёшлик кишига бир марта берилади. Ҳар бир одам ёшлигида барча юксак ва порлоқ нарсаларга яқинроқ бўлади. Қариган чоғида ҳам қалб меҳри ва ҳароратини сўндирмай ёшлигини сақлаб қолган одам бахтиёрдир. Ёшлар ва ёшлиқни ардоқлаш ҳақида гап борганда, бир донишманднинг ёшларга қарата айтган гапи эса келади.

— Нафсинг йўлига юрма, қаноатли бўл, ўзингда бўлмаган сифатларни айтиб сени мақтаган киши сўзларига алданма. Йўлдошларинг билан низолашма, ҳеч кимни ўзингдан паст қўрма. Сирингни ошкор этма, мол-мулкнинг мағрур бўлма, ҳар кимга очик юз, ширин сўзлик билан муомала қил. Ёшлигингни асра. Дунёда ундан яхши нарса йўқ. Ёшлигингни худди олтин каби истаган нарсага ишлатишинг мумкин. Кимда ким ёшлигида ўзини улуг ва ажойиб ишлар билан ёки ҳеч бўлмаса, оддий, лекин ҳалол ва фойдали меҳнат билан мустаҳкам боғламаган экан, у ёшлиги қанчалик хушқачқак ўтган ва қанчалик ёрқин хотиралар қолдирган бўлмасин, уни ҳайф кетган деб ҳисоблаши мумкин.

Қиссадан ҳисса ҳар кимнинг эътиборига ҳавола.



МАШРИҚЗАМИН - ҲИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲИКМАТЛАР

Кунларини ганимат билиб, зимсиди дағи қарзини бир он аввал узишгайрат кўрсатган киши қандай бахтли кишидир.

Бирон нарсани севган киши буарсаннинг зиддига тамоман бефарқ ладид.

Эй инсон, сен руҳингнинг тублига қара ва ҳар нарсани у ердан изла!

Бу олам ва ундаги инсонлар ҳмат ва сир хазиналари яширин қолмин, дея яратилди.

Она ҳаққига диққатли бўл — ун бошингга кўтар! Зеро, агар оналар тғоқ азобини чекамаларида чақалоқли дунёга келиш учун йўл топа олмасдилар.

Мардларнинг иши равшанлик вақилни иситишдир.

Пасткашларнинг иши ҳийла ва биармлиқдир.

Кимки беҳабар ҳолда бедор бўла, Унинг бедорлиги уйқусидан бғардир.

Яхши одамлар кетди, бироқ улдан яхши одатлар қолди.

Ҳар кимга ишқ этаги насиб бўласа, Уша нур нисоридан бебаҳра қоли.

Борлиқ ва йўқликдан агар ўта о:анг, Абадий ҳаётдан баҳраманд бўлан.

Ёмғир бор, парварин қилади, Ёмғир бор, вайрон қилади.

Маърифатнинг куёши учун ботийўқ.

Доно аҳли — ақлнинг кўзи ва ўғри юрувчидир.

Ёмон ёрнинг ишваларини до:деб бил.

Ҳар кимда оёқ бор экан, у ўзизқўрўзини қидиради.

Ўз нафсини ром қилган одамгаодликлар бўлсин. Нафси ўзини ҳалок қилган однинг ҳолига вой бўлсин.

Рақибни бошқа рақибсиз тингла. То ҳар икки рақиб ҳозир бўлманча Ҳоким олдида ҳақиқат юзага чмайди.

Баланд-пастга ўзингни урмай й то:полмайсан.

Ақл таъсирни жондан олади.

Фафлат бу — тандан.

Фикрни супуриб кетиши учун йрат лозим.

Торликдан то кенгликкача пионий йўл бор.

Балиқ сувдан сира кўнгил узадми?

Рух ақл ва илмга ёрди, Рухнинг арабу турк билан ний иши бор.

Эй ишбилармон киши, бир кунж умрнинг қадри бу жаҳоннинг беш миг йилига тенг.

Ишқ енгувчидир. Эргаш ОЧИЛОВ тайлаган



(Давами. Боши 3-бетда).

12.50 «Муҳаббат гушаи». Телесериял.
13.45 Олтин мерос.
13.45 Дунё икклими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ аннос.

14.15 «Бизнинг кутубхона».
15.00 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ аннос.

17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иккисонид».
17.40 «Маргион-2000».
17.45 «Ташкилот эътибор - келажакка эътибор».

18.05 «Аёл эрки». Телесериял.
18.10 «Сизнинг ахбороти».
19.25 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 ТВ аннос.
20.00 «Бунёдкорлик».
20.50 «Самарқанд-2750».
20.55 «Дунё икклими».
21.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус).

21.05 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.00 «Ватанпарвар».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.

04.35 «Маргион - 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Жалолитдин Хо-розмиш». 3-қисм.
05.35-05.55 Тонги навалар.

6.55 Дастирун очилди.
7.00 «Янги тонг».
9.00 «Давринг боласи».
9.15 «Болалар табиоси».
9.20 «Муҳаббат ва ахтирос». Телесериял.

9.55 «Икклим».
10.05 «Бизнинг байрам!».
10.20 Таътил тухфаси: «Тақилар оиласи».
11.45 «Самарқанд-2750».
12.00 «Янги кун».
12.10 «Ишқомли уй». Сериал.

12.50 «Кен нима ҳақида битилар».
13.00 «Ахборот».
13.15 «Давринг боласи».
13.20 «Янги кун».
13.30 «Пулор». Сериал.

13.40 «Ахборот».
13.45 «Ахборот».
13.50 «Ахборот».
14.00 «Ахборот».
14.05 «Ахборот».

24.00-00.10 Тунги навалар.
«Uzbekistan».
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Малахов +».
00.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Шахри-хон».

00.25 «Муҳаббат ва ахтирос».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус).
01.05 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).

03.05 «Дунё икклими».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.05 «Самарқанд-2750».
04.10 «Янги кун».
04.15 «Янги кун».
04.20 «Янги кун».

04.25 «Янги кун».
04.30 «Янги кун».
04.35 «Янги кун».
04.40 «Янги кун».
04.45 «Янги кун».

04.50 «Янги кун».
04.55 «Янги кун».
05.00 «Янги кун».
05.05 «Янги кун».
05.10 «Янги кун».

05.15 «Янги кун».
05.20 «Янги кун».
05.25 «Янги кун».
05.30 «Янги кун».
05.35 «Янги кун».

05.40 «Янги кун».
05.45 «Янги кун».
05.50 «Янги кун».
05.55 «Янги кун».
06.00 «Янги кун».

06.05 «Янги кун».
06.10 «Янги кун».
06.15 «Янги кун».
06.20 «Янги кун».
06.25 «Янги кун».

06.30 «Янги кун».
06.35 «Янги кун».
06.40 «Янги кун».
06.45 «Янги кун».
06.50 «Янги кун».

06.55 «Янги кун».
07.00 «Янги кун».
07.05 «Янги кун».
07.10 «Янги кун».
07.15 «Янги кун».

07.20 «Янги кун».
07.25 «Янги кун».
07.30 «Янги кун».
07.35 «Янги кун».
07.40 «Янги кун».

17.50 «Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағиш-лашди: «Истикбол тисоллари».
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «Сифат белгиси».
18.55 «Икклим».

19.00 «Муҳаббат ва ахтирос». Сери-ал.
20.00 «Радиолар кўрсатмази».
20.05 «Янги кун».
20.10 «Ватаним».
20.15 «Эълонлар».

20.20 «Ишқомли уй». Сериал.
20.25 «Ишқомли оғамлар».
21.00 «Ахборот».
21.05 «Ахборот».
21.10 «Ахборот».

21.15 «Ахборот».
21.20 «Ахборот».
21.25 «Ахборот».
21.30 «Ахборот».
21.35 «Ахборот».

21.40 «Ахборот».
21.45 «Ахборот».
21.50 «Ахборот».
21.55 «Ахборот».
22.00 «Ахборот».

22.05 «Ахборот».
22.10 «Ахборот».
22.15 «Ахборот».
22.20 «Ахборот».
22.25 «Ахборот».

22.30 «Ахборот».
22.35 «Ахборот».
22.40 «Ахборот».
22.45 «Ахборот».
22.50 «Ахборот».

22.55 «Ахборот».
23.00 «Ахборот».
23.05 «Ахборот».
23.10 «Ахборот».
23.15 «Ахборот».

23.20 «Ахборот».
23.25 «Ахборот».
23.30 «Ахборот».
23.35 «Ахборот».
23.40 «Ахборот».

23.45 «Ахборот».
23.50 «Ахборот».
23.55 «Ахборот».
24.00 «Ахборот».
24.05 «Ахборот».

24.10 «Ахборот».
24.15 «Ахборот».
24.20 «Ахборот».
24.25 «Ахборот».
24.30 «Ахборот».

10.50 Ноқуат.
11.10 «Жахон ширт юлдузлари».
11.30 «Стаят били». Шоу программа.
12.10 «Боқув сават».
12.55 - 14.00 Аяна Лечилова, Леонид Ермолович в фильме «Перекресток».

18.00 «Жасур болалар».
18.30 «Хабарлар» (узб. тилида).
18.50 «Вонное дело».
19.00 «Словно ошкоров».
19.35 «Муслик тайи».

19.50 «Фотеро».
20.00 «Олдудли матчи».
20.25 «Стиль».
20.40 «Розыгрыш».
20.50 «Хабарлар» (узб. тилида).

21.00 «СМ».

21.05 «СМ».
21.10 «СМ».
21.15 «СМ».
21.20 «СМ».
21.25 «СМ».

21.30 «СМ».
21.35 «СМ».
21.40 «СМ».
21.45 «СМ».
21.50 «СМ».

21.55 «СМ».
22.00 «СМ».
22.05 «СМ».
22.10 «СМ».
22.15 «СМ».

22.20 «СМ».
22.25 «СМ».
22.30 «СМ».
22.35 «СМ».
22.40 «СМ».

22.45 «СМ».
22.50 «СМ».
22.55 «СМ».
23.00 «СМ».
23.05 «СМ».

23.10 «СМ».
23.15 «СМ».
23.20 «СМ».
23.25 «СМ».
23.30 «СМ».

23.35 «СМ».
23.40 «СМ».
23.45 «СМ».
23.50 «СМ».
23.55 «СМ».



Бош муҳаррир
АКМАЛ АҚРОМОВ
Манзилми: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32
Буортма Г- 606

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқди.
Нашр кўрсаткичи - 563

Газета Тошкент шахар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.
Ҳаҷми - 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
2875 нусхада босилди.
Когоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масаллари бўйича
турар жойларига почта бўлимларига еки
«Тошкент почтамитга» - 133-74-05 телефонига
мувожаат қилинган мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг компьютер
марказида терилди ва сақланган.
«Шаҳр наشريет-матбас акцидорлик компанияси
босмақониси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 12.40